

Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларга хизмат кўрсатиш, ишлар (шу жумладан жорий таъмирлаш) бажариш бўйича № 9911-сонли ШАРТНОМА

«7» март 2022 йил

Кўкон шаҳри

Икки томонлама хўжалик мунособатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи « **Кўкон иншоот таъмир сервис** » МЧЖ (кейинги ўринларда «Пудратчичи» деб аталади) номидан раҳбари Ф.Турдалиев биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Қонунчилига асосан фаолият юритувчи **Кўкон шаҳар Ҳокимлиги номидан** (қелгусида «Буюртмачи» деб аталади) шаҳар ҳокими Я.Расулов ўрталарида қуйидаги мақсадларда тузилди:

1. Шартнома моҳияти.

- 1.1. Ушбу шартнома моҳияти шундан иборат «Иш бажарувчи» Кўкон шаҳар Навбахор кучасида жойлашган **Хуқуқ тарғибот маскани** биносини жорий таъмирлаш ишлари (хизматлар)ни бажариб бериш.
- 1.2. Мазкур шартноманинг умумий қиймати 291 000 000 (Икки юз тўқсон бир миллион) сўмни ташкил қилади.
- 1.3. Бажариладиган ишлар (хизматлар)ни хусусиятидан келиб чиқиб тегишли хужжатлар расмийлаштирилган ҳолда томонларни ўзаро келишувига асосан алоҳида спецификация тузилиб тасдиқланади ва ушбу шартномага илова қилинади.
- 1.4. Ишлар (хизматлар)ни бажариш муддати: 15 кун

2. Ҳисоб-китоб шартлари.

- 2.1. Бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) учун ҳисоб-китоб келишилган нархларда, Справка счет-фактура ва бошқа тегишли хужжатлар расмийлаштирилиб «Буюртмачи» томонидан қабул қилиниб олингандан сўнг тўлов жадвали бўйича амалга оширилади. Келишилган нархларнинг шаклланишуви учун бажарилиши лозим бўлган ишлар (кўрсатилган хизматлар)ни сметаси, калькуляция ва баҳолар прејскурантлари асос бўлиб ҳисобланади. Шартномани амал қилиш муддати даврида ишлар (кўрсатилган хизматлар)ни бажарилиши учун зарур бўлган ресурслар ва хом-ашеларни ўртача нархлари ўзгарганда ўзаро тузилган қўшимча келишувга асосан ушбу ўзгарган нархлар бўйича ҳисоб-китоб амалга оширилиши мумкин.
- 2.2. «Пудратчи» ишлар (кўрсатилган хизматлар)ни бажаргандан сўнг ўзаро солиштирув далолатномаларига асосан, ишлар (кўрсатилган хизматлар)ни қиймати учун «Буюртмачи» пул ўтказиш йули билан «Иш бажарувчи»га тўловни амалга оширади. «Буюртмачи» олдиндан 30 % миқдорда тўловни амалга оширади, ҳамда тулик ҳисоб-китобни 10 кун ичида амалга оширади. Шартнома бир ойдан ортиқ муддатга тузилганда 30% миқдордаги олдиндан тўлов, тўлов жадвалига асосан ҳар ойда амалга оширилиб борилади.

3. Томонлар ҳуқуқи ва мажбуриятлари.

- 3.1. «Пудратчи» ўз қучлари ва воситалари билан барча ишларни мазкур шартнома ва иловаларида кўзда тутилган ҳажмларда ва муддатида сифатли, техник талабларга жавоб берадиган даражада бажаради, бажарилган иш (хизматлар) учун сифатини тасдиқловчи хужжат (мувофиқлик сертификати ва санитария-гигиена сертификати ва хоказолар)ни тақдим этади ва тегишли хужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.
- 3.2. «Пудратчи» томонидан бажарилган иш (хизматлар)ни бир қисми еки ҳаммаси сифатсиз бажарилганлиги аниқланиб тегишли равишда «Буюртмачи» томонидан далолатнома расмийлаштирилганда бажарилган ишларни сифатсиз қисми «Пудратчи» томонидан ўз маблағлари ҳисобидан бажариб берилади. Ушбу қўшимча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўлов амалга оширилмайди.

- 3.3 «Буюртмачи» томонидан бажарилиши лозим бўлган ишлар(хизматлар)ни нуқсон далолатномалари (дефект аклари), лойиха-смета хужжатлари ва бошқа тегишли хужжатлари билан «Пудратчи» ни таъминлайди.
- 3.4 «Буюртмачи» бажарилган ишлар (хизматлар)ни шартнома шартлари ва спецификацияга тўғри келишини текшириб қабул қилиб олгандан сўнг бажарилган ишлар (хизматлар) учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.

4. Жарималар кўлланилиши.

- 4.1 Агар «Пудратчи» томонидан «Буюртмачи»га сифатсиз бажарилган ишлар(хизматлар) тақдим этилганда «Пудратчи» эса ушбу нуқсонларни бартараф этишдан бош тортса, «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»дан бундай бажарилган ишлар(хизматлар)нинг умумий кийматидан 50 %, лекин шартноманинг 1.2 бандида кўрсатиб ўтилган суммасининг 50% ошмаган ҳолда жарима кўллаб, конунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.
- 4.2 Агар «Пудратчи» томонидан шартномада белгиланган ишлар муддатларида бажарилиши таъминланмаса, «Пудратчи» муддатида бажарилмаган ишлар (хизматлар)ни умумий кийматини 0.04% миқдорида хар бир муддати ўтган куни учун «Буюртмачи»га жарима тўлайди.
- 4.3 Қабул қилинган ишлар (хизматлар) учун шартномада белгиланган муддат ичида асоссиз равишда тўлов амалга оширилмаган тақдирда хар бир кечиктирилган кун учун қабул қилинган иш(хизмат) миқдори суммасидан «Буюртмачи» томонидан 0.02 % миқдорида «Пудратчи» га пеня тўланади.
- 4.4 Жарималар тўланиши «Пудратчи»ни ва «Буюртмачи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

5. Форс-мажор.

- 5.1 Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳолларда бузилса (яъни сув тошқини,енгин,зилзила,бошқа табиий офатлар ва ҳукуматнинг махсус қарорларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

6. Шартнома муддати.

- 6.1. Шартнома иккала томонлар имзолангандан сўнг кучга киради.
- 6.2 Шартноманинг амал килиш муддати 2022 йил 31 декабргача . Маълум сабабларга кўра бажарилган ишлар (хизматлар) учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун қўшимча вақт белгиланади.
- 6.3 Шартнома қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:
- а) томонлар ўзаро езма келишувига асосан;
 - б) «Пудратчи» томонидан бажарилган ишлар (хизматлар)ни сифатсизлиги тўғрисида «Буюртмачи» томонидан белгиланган тартибда хужжат расмийлаштирилиб тегишли хулоса олинганда;
 - в) «Пудратчи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1,3.2 бандлари бажарилмаганда;
 - г) бюджетдан маблағ олувчини харажатлар сметасига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайтирилиши лозим бўлгани ҳолда «Пудратчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда;
 - д)нархлар ўзгариши натижасида махсулотларнинг, бажарилган ишлар (хизматлар)ни нархи маълум санадан ўзгариши (камайиши еки купайиши)лозим бўлгани ҳолда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда;
- Изоҳ: **б,в,г,д** пунктлари бўйича шартномалар «Буюртмачи» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Шартноманинг бекор қилингани тўғрисида «Буюртмачи» «Пудратчи»га ёзма равишда, асосларини келтирган ҳолда хат билан маълум қилади

7. Қўшимча шартлар.

- 7.1 Шартнома юзасидан келиб чиккан низолар ўзаро хал қилинади. Ўзаро хал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси конунларига асосан Хўжалик судлари орқали хал қилинади.
- 7.2 Шартнома икки нусхада тузилиб, тегишли Ҳазначилиг бўлими томонидан рўйхатдан утгандан сўнг хар бир нусхаси тенг юридик кучга эга булиб томонларда бир нусхадан сақланади.

- 7.3 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва мухрлари билан тасдиқлангандан сўнг амалга киритилади.
- 7.4 «Пудратчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган ҳужжатлардан лицензия, гувоҳнома, сертификат) «Буюртмачи»га тақдим этади.
- 7.5 Шартномани бажарилиши учун таълуқли ҳужжатларни ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун ушбу ҳужжатларни тақдим этаётган томонлар маъсул ва жавобгардирлар.

8. Томонлар ҳуқуқий манзили ва банк реквизитлари.

«Пудратчи»

«Қўқон иншоат таъмир сервис» МЧЖ
 Қўқон шаҳар Абадиёт кўчаси 5-уй
 х/р 20208000300300602001 МФО 00956
 Хамкор банк Қўқон бўлими
 СТИР 302734080 ОКОНХ 61110



Раҳбар:  Ф. Турдалиев

«Буюртмачи»

Қўқон шаҳар Ҳокимлиги
 Манзил: Қўқон шаҳар, Турон кўчаси 1-уй
 Тел/факс 43 542 23 44
 Мобил тел: 90 850 31 44
 ш/р: 100022860504057013990018005
 СТИР 20031299 ОКОНХ
 Қўқон шаҳар Ҳазначилик бўлими
 Молия Вазирлиги Ҳазначилиги
 Ҳазна х/р 23402000300100001010
 Банк номи: Тошкент шаҳар Маркази банк
 МФО 00014 Ҳазначилик СТИР 201122919




Раҳбар:  Я. Расулов

Бош ҳисобчи:  Ф. Қудашев

Ҳуқуқий хулоса

Мен ушбу шартномани ҳуқуқий экспертизадан ўтказдим. Мазкур шартномада кўрсатилган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида”ги Қонуни ва Фуқаролик кодекси билан тартибга солинди ҳамда шартномада назарда тутилган тарафларнинг жавобгарлиги ва низоларни ҳал этиш тартиби юқорида зикр этилган қонунчилик талабларига мос келади.

Ҳуқуқшунос:



№

19

«04» 03

2022 йил.